



**ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВ  
ҲАВЗАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ТОВАР БАЛИҚЛАРИ  
ИХТИОФАУНАСИ ВА ЗОҒОРА БАЛИҒИНИНГ  
МОРФОЛОГИЯСИ**

**Адамбой Болатабаев Садуллаевич <sup>1</sup>**

Биология фанлари номзоди ўқитувчиси

E-gmail: adambaybaltabayev@gmail.com

Тел: 90-922-76-02

**Хажыхан Есемуродова <sup>2</sup>**

магистрант

**Тўраева Малика Мустафақуловна <sup>3</sup>**

Бакалавр

**Тўраева Озода Толибжоновна <sup>4</sup>**

1-2-3-4 Ўзбекистон Миллий университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6629635>

**ARTICLE INFO**

Received: 28<sup>th</sup> May 2022

Accepted: 02<sup>nd</sup> June 2022

Online: 05<sup>th</sup> June 2022

**KEY WORDS**

балиқчилик,  
ихтиофауна,  
ихтиологик  
тадқиқотлар, сув  
ҳавзалари, тангача,  
сузгич, озуқа, кўл, дарё,  
бентос, личинка, ғумбак.

**ABSTRACT**

Ушбу мақолада Қорақолпоғистон Республикасининг сув ҳавзаларида учрайдиган товар балиқларининг ихтиофаунаси ва морфологияси ҳақида маълумот берилган. Бу ҳудуда куйидаги зоғора (*Cyprinus carpio*), лаққа (*Silurus glanis*), оқ амур (*Stenopharyngodon idella*), чипор дўнг пешона (*Hypophthalmichthys nobilis*) ва оқ дўнг пешона (*Hypophthalmichthys molitrix*) балиқлари учради. Бу балиқларнинг тавар балиқлар дейилишига сабаб, улар ҳалқимизни дастурхонини балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун балиқчилик фермерлари томонидан кўплаб етиштирилиб келинмоқда. Кейинги вақтда балиқчиликни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида чет эл давлатларидан янги балиқ турлари ҳам олиб келиниб боқилмоқда. Бунга мисол Африка лаққаси. Бу балиқлар сувнинг тубидаги чўкма қатламда яшайдиган бентос организмларига мансуб турли ҳашоратларнинг (чивин ва ниначи каби бошқа ҳашоратларнинг) личинка ва ғумбаклари билан, сув ўтлари, ариқлар бўйларида ўсадиган ўсимликлар, ҳашоратлар билан озиқланадилар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари жадваллар орқали келтирилган ва хулоса берилган.

Республикамизда кейинги йилларда олиб борилаётган балиқчиликни ривожлантириш ишлари бўйича

давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар бу соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-



тадбирлар натижасида кенг кўламда йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда фермерларимиз олдида янги балиқ турларини ташқаридан олиб келиш ва кўпайтириш халқимиз дастурхонини сифатли балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан тўлдиришдан иборат.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили: (Literature review). Ҳозирги кунда Ўзбекистонда балиқчи фермерлар томонидан карп (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқларни етиштириб келмоқдалар. Бу оиллага зоғора балиқ тури киради ва у тез ўсади. Серпушт бўлади ва ҳовузларда бошланғич занжир ҳалқаларини эгаллайди. У аҳоли истемол қиладиган оммавий балиқ тури сифатида кўпайтирилади [1]. У тез кўпаядиган, тез ўсадиган балиқ ҳисобланади. Уни монокультура тарзида оқ амур ёки дўнг пешона балиқлари билан бирга етиштириш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳамма текисликларидаги сув ҳавзаларида ушбу турни зоғора (*Cyprinus carpio*) балиқни учиратишимиз мумкин. Маданийлаштирилган тури балиқчилик хўжаликларида 1960 йилдан бошлаб етиштирилади [2]. Икки-уч ёшида вояга етади танасининг узунлиги 30-35 см бўлади ва оғирлиги 2 кг етганда жинсий вояга етади. Балиқларнинг биохилмаҳиллигини илмий асосда тадқиқ қилиш, балиқчиликни ривожлантириш учун ва балиқ етиштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун турли хил сув ҳавзаларида ихтиологик тадқиқотларни малакавий ва методик тўғри асосланган равишда олиб бориш зарарудир [3]. Биз олиб борган илмий тадқиқот ишлари Қорақолпоғистон Республикасининг

Амударё, Ходжейли, Кегайли ва Тахтакўпир худудида жойлашган дарё ва кўлларида табиий равишда учирайдиган зоғора (*Cyprinus carpio*), лаққа (*Silurus glanus*), оқ амур (*Ctenopharyngodon idella*), чипор дўнг пешона (*Hypophthalmichthys nobilis*), оқ дўнг пешона (*Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844) балиқларнинг ихтиофаунаси, биологияси морфологияси ва озиқланишининг табиий муҳитда яшашини ва кўпайишини илмий асосда тадқиқ қилишдан иборат [4].

Қорақолпоғистон Республикасининг турли хил худудларида табиий равишда Амударё, Ходжейли, Тахтакўпир ва Кегайли туманларидаги кўпгина кўлларда, сув хавзаларида, зовурларда хатто шоли экиладиган далаларда уларга оқиб борадиган ариқ сувларида ҳам зоғора (*Cyprinus carpio*), оқ амур (*Ctenopharyngodon idella*), чипор дўнг пешона (*Hypophthalmichthys nobilis*), оқ дўнг пешона (*Hypophthalmichthys molitrix*) балиқлари кўп учради.

Республикамизнинг турли худудларида фермерларимиз томонидан бу товар балиқларнинг табиий ва сунъий яратилган сув хавзаларида боқиб келинмоқда ва юқори ҳосил олинмоқда. Бу балиқ турлари товар балиқ маҳсулоти ҳисобланади ва ички бозорларимизни таъминлаб туради. Бундай балиқ турларини етиштириш балиқчилик соҳасини ўз-ўзидан кейинги йилларда катта ривожланишига олиб келмоқда.

Тадқиқот методологияси: (Research methodology). Тадқиқот материаллари асосан 2021 йилнинг ёзги яъни 4-9 август кунлари йиғилди. Материални йиғишда қуйидаги тутиш асбобларидан



фойдаланилди. Ячейкаси 30-мм бўлган сачок, ячейкаси 8-9 мм бўлган тўридан ва қармоқлардан фойдаланилди. Шунингдек, Зоология кафедрасидаги аввалги йилларда тутилган балиқлар коллекциясидан ҳам фойдаланилди.

Тутилган балиқларни 4 % ли формалин билан фиксация қилинди. Камерали қайта ишлов ишлари Зоология кафедрасида олиб борилди. Балиқларнинг вазнини, бўйини, ичакларини 4 % ли формалинда фиксация қилиб лаборатория шароитида озиқланиши аниқланди. Балиқнинг ёшини аниқлаш учун унинг елка сузгич қаноти остидан тангачаларини олиб тўпланди. Лаборатория окуляр-микрометр ёрдамида (МБС-1 микроскопи остида) балиқлар ёшини, ўсиш тезлигини Эйнар Леа услуби билан аниқланди.

Таҳлил ва натижалар: (Analysis and results). Бунинг учун биз Амударё, Ходжейли ва Тахтақўпир туманлар ҳудудлари табиий равишда зоғора (*Syrphius carpio*), чипор дўнг пешона (*Hypophthalmichthys popilis*), оқ дўнг пешона (*Hypophthalmichthys molitrix*), оқ амур (*Stenopharyngodon idella*), лаққа (*Silurus glanis*) каби балиқ турлари ҳам учради.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion /Recommendationis).

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики зоғора, лоққа, оқ амур, чипор дўнг пешона ва оқ дўнг пешона балиқлари Қорақолпоғистон Республикасининг Тахтақўпир тумани Қоратерен кўли ва бошқа сув ҳавфзаларида табиий равишда кўп учради. Бу турдаги балиқлар табиий равишда сув ҳавзасининг сўв ўтлари, ариқ ва зовур, кўллар атрофидаги ўтлари, шу кўлда учрайдиган майда қисқичбақосимонлар, ва бентос билан озиқланади.

Қорақолпоғистон Республикасининг Амударё, Ходжейли ва Тахтақўпир туманларидаги табиий кўлларда ва янги суъний яратилган сув ҳавзаларида балиқчилик хўжалиқларини ташкил қилиш тавсия этилади.

Бу кўлда зоғора, чипор дўнг пешона, оқ дўнг пешона ва оқ амур балиқларини поликультура шаклида боқиб етиштириш тавсия этилади. Экология жиҳатдан тоза сув йиғиладиган кўл ва дарёлар ҳамда сув ҳавфзалари борлиги аниқланди.

## References:

1. Комилов Б.К., Қурбонов Р.Б., Салихов Т.В. Ўзбекистонда карп балиқларини кўпайтириш. Тошкент 2003 йил.
2. Хусенов С.Қ., Ниёзов Д.С., Сайфуллаев Г.М. Балиқчилик асослари. Бухоро. нашриёти. 2010 йил.
3. Комилов Б.Г. Руководство по разведению карповых рыб в бассейне Аральского моря. Тошкент. 2008.
4. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р., Кимсенов З.О. Ўзбекистон ва қўшни ҳудудлар балиқлари аниқлагичи. Сано-стандарт. Тошкент. 2011 йил.
5. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz).
6. <http://nuu.uz>.
7. <http://zoohistory.ru>.



# EURASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES

Innovative Academy Research Support Center

UIF = 8.3 | SJIF = 5.995

[www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)